

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 21 февраль, № 36 (4446)

Пайшанба

## СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

Иқтисодий-тизимни барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади

Хабарингиз бор, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, Олий Мажлис Сенатида маъқулланган янги Солиқ кодекси шу йил 1 январдан эътиборан қучга кирди. Президентимиз Вазиirlар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида айтиш шунки, солиқ тизими ва солиқ муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодий-тизимни барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, жаҳон тажрибасини ва солиққа тортишнинг амалда синовдан ўтган ёндашув ҳамда тамойилларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган янги Солиқ кодекси ва унинг амалиётга жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида уқтирди.

### Кўргазмали семинар

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзқспомарказ"да инсон манфаатларини ҳимояловчи ана шу ҳуқуқий ҳужжатни тарғиб қилиш мақсадида "Янги солиқ кодекси — тараққиёт омил" мавзусида кўргазмали семинар иш бошланди.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил қилинган, уч кун давом этадиган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди вазирилк ва идоралар, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги корхона ҳамда ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Темур ҚУРБОНОВ  
олган сурат.

## МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

СИРДАРЁ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазиirlар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари таҳлил қилиниб, 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди. Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилишида мазкур вазифалар ихросига алоҳида эътибор қаратилди.

Сирдарё вилояти ҳокими А. Жалолов бошқарган йиғилишда ўтган йили вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 6,5 фоизга ошгани қайд этилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,1, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 29,2, экспорт 3,1 фоизга орди.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш йўлида қатор ишлар амалга оширилди. «Оқолтиндон» ҳиссадорлик жамияти реконструкция қилиниб, кунига 150 тонна юкори сифатли ун маҳсулоти ишлаб чиқариш қуввати эга усқуналар келтирилди. «Сайхунобод пахта тозалаш» заводидан модернизация туфайли хом ашёни қайта ишлаш қуввати юз тоннага орди. «Бахт Инвест Нур» корхонасига йирик миқ-

дорда инвестиция киритилиши ҳисобига ўсимлик ёғини экстракция қилувчи линия ўрнатилди.

Иқтисодий-иқтисодий соҳадаги устувор йўналишлардан бири — аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан кўрилган чоратадбирлар натижасида ўтган йил давомида 26 минг 500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 90 фоизга яқини тадбиркорлик субъектлари ҳисобига тўғри келади. Кишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 70,6 километр масофада ичимлик суви тармоқлари барпо этилди.

Ушбу ютуқлар билан бирга қатор камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилгани танқид қилинди. Хусусан, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган 42 корхонадан 26 тасигина фаолият кўрсатмоқда. Рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 11 фоизи ҳануз иш бошлагани йўқ. Аёллар ва ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш ҳали-ҳануз муҳим вазифалигича қолмоқда.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва гагдаги вазифалар белгиланди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шомисатов сўзга чиқди.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Навоий шаҳридаги «Қизилқум саховати» корхонаси Швециянинг «SVE RUS GROUP AB» (Шверс Груп АВ) компанияси томонидан 2004 йилнинг апрель ойида тасвис этилган эди.

### Корхона маҳсулоти — экспортга

Корхонага Италиянинг «Бертуки» компанияси томонидан 469 минг АҚШ долларини инвестиция киритилиб, замонавий усқуналар ўрнатилди. Мева ва сабзавотларни қайта ишлашчи ушбу корхонада айтиш пайтда томат ва ўрик қайнатмаси ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган йили кузда яна «Қизилқум саховати»га 223,9 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилди. Шундай қилиб бу ерга кел-

тирилган сармоя 692,8 минг АҚШ долларини ташкил этди. Эътиборли томони корхонанинг асосий маҳсулотлари хорижга экспорт қилинаёттир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда олиб борилган самарали иқтисодий ислохотлар натижасидир.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликка бағишланган семинар бўлиб ўтди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ўзбекистон Хусусий Сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ва Ҳиндистон Сайёҳлик ташкилотлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи идора ва ташкилотлари, компания ва фирмалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар барча йўналишлар сингари сайёҳлик соҳасида ҳам изчил ривожланаётгани, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимиз, бетакрор мейморий оби-

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

### Қувончлари чексиз

Жиззах шаҳрида 42 хонадонга мўлжалланган 3 қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг қоқ марказида барпо этилган ушбу кўркэм бино ёш ҳарбийлар оилалари учун мўлжалланган.

Барча қўлайликларга эга бўлган хонадонлар қалитлари ўз эгаларига топширилган экан, уларга вилоят ва шаҳар ҳокимликлари томонидан тайёрланган телевизор, гилам сингари уй-рўзгор буюмлари ҳам тўхфа этилди.

Ёш ҳарбийлар оилалари кўчиб кираган янги уйнинг атрофи ободонлаштирилган бўлиб, «Болалар майдончаси» ҳам бор.

Баҳриддин САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон фахрийларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг 2007 йил фаолияти якунлари ва жорий йилдаги вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Жамғарма марказий кенгаши раиси Э. Бокрибоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кекса авлод вакилларига доимий ғамхўрлик кўрсатиб келинаётгани алоҳида таъкидланди. Ҳозир юртимизда 3 миллионга яқин пенсионер истижомат қилмоқда. Фахрийлар жамиятимиз иқтисодий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, ўзининг бой тажриба ва билимини ёш авлодга ўргатаёттирлар.

2007 йилда фахрийларни маддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги хайри ишлар «Иқтисодий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилди. Ўтган вақт давомида хомийлар ва оталик ташкилотлар томонидан кам таъминланган оилалар, пенсионер ва ногиронларга қарийб тўққиз миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. «Нуроний» жамғармаси ҳудудий бўлиmlларининг сайё-ҳара-

кати туфайли республикамизнинг турли вилоятларида истижомат қилаётган 4 минг 769 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногироннинг уй-жойи таъмирланди. Ушбу мақсадлар учун ҳокимликлар ва хомийларнинг 293,5 миллион сўм маблағи сарфланди.

Иқтисодий ҳимоя йилида жамғарма марказий кенгаши ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlлари томонидан фахрийларнинг, айниқса, уруш қатнашчилари ва ногиронларнинг хордик чиқаришлари ҳамда даволанишлари учун мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур шарт-шароит яратилди. Уруш ва мەхнат фахрийларини даволашга иқтисодлаштирилган Тошкентдаги «Нуроний» шифохонасига, Тошкент вилоятидаги «Товархой» санаторийсига, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидаги фахрийларни даволаш масканларига

дори-дармон воситалари тақдим этилди.

Жамғарма сайё-ҳаракати билан мамлакатимизнинг турли минтақаларида яшаётган 37 мингдан зиёд уруш ва мەхнат фахрийси учун Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарлар ва пойтахтимиз Тошкентга, шунингдек, Имом Бухорий, Ҳўжа Аҳрор Абдуллоҳи, Баҳодурдин Нақшбанд, Абдуллоҳи Ғиждувоний, Имом Термизий сингари буюк аждодларимиз номлари билан боғлиқ қадимқадим саё-ҳатлар ташкил этилиши кекса авлод вакилларига қўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Бундай хайрли ишлар тегишли вазирилк ва идоралар, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда олиб борилаётгани ва ўзининг ихобий натижаларини бермоқда.

Йиғилишда «Нуроний» жамғармасининг 2008 йили — Ёшлар йилида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалари белгилаб олинди.

Т. БОТИРБЕКОВ,  
ЎзА мухбири.

### ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

«Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Наманган шаҳар босқичида 42 нафар иштирокчи ўз маҳсулотлари кўргазмасини уюштирди. Улар «АКФА» русумидаги пластмасса эшик ва ромларни тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Ҳақамлар

ҳайъати «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича голибликни мазкур жамият раиси Алишер Мирзабоевга беришга қарор қилди. «Энг яхши хўнраман» сифатида Баҳромжон Хотамов, «Энг яхши фермер» йўналишида

эса Баҳриддин Шаҳобиддинов голиб деб топилди. Энди улар кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этишди.

Н. ҚУДРАТИЛЛАЕВ.

### НАМАНГАН

Вилоят фаоллари йиғилишида 2007 йил якунлари ва иқтисодий-иқтисодий ривожланиш истиқболига оид масалалар кўриб чиқилди.

Наманган вилояти ҳокими И. Наҳиддинов бошқарган йиғилишда вилоятда иқтисодий ва иқтисодий соҳанинг қўллаб-қувватлашга эришилгани қайд этилди. Ҳудудий ялпи маҳсулот ҳажми 2006 йилдагига нисбатан 9,5 фоиз ошди. Вилоятда 218 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Шунинг қарийб 30 фоизи технологияларни янгилаш ва замонавий асбоб-усқуна харид қилишга йўналтирилди.

Ҳисобот даврида ялпи экспорт ҳажми 107,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу ўтган йилдагига қараганда 11,6 фоиз кўп демакдир. 2007 йилда вилоятда 11 қўшма ва хорижий корхона ишга туширилди. «Мега Текстиль», «Тошбулоқтекст», «Голден Силк», «Хелил Силк», «Муштарий Интернэшнл», «Баркасатек» каби корхоналарнинг фойдаланишга топширилиши натижасида вилоятда хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар сони 62 тага етди.

Вилоят иқтисодиётида кишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар туфайли салмоқли натижаларга эришилмоқда. Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ерни хусусий секторга бериш аграр соҳада сезиларли ютуқларни қўлга киритиш учун замин яратди. Кишлоқда кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига кенг қўламли сервис ва хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси объектлари тармоғи ташкил этилди. 2007 йилда 5705 фермер ва деҳқон ҳўжалиги 261 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили етиштирди. Йиғиштириб олинган ҳосилнинг 86 фоизидан ортиги юкори навларга сотилди, рентабеллик 10,7 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани таъкидланди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2007 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазиirlар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифаларни бажариш дастуриламал бўлиши даркор. Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, бюджет-солиқ сўбасини эркинлаштириш, касаначилик, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва сервис соҳасини кенгайтириш орқали аҳоли бандлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш зарур.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.


Д. ЭСОНОВА,  
И. РАЗЗОҚОВ,  
ЎзА мухбирлари.

## ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

2007 йили республикамизда 300 дан зиёд йирик лойиҳа ниҳоясига етказилди.

Натижада «Зеварда» конида компрессор станцияси, «Кўкдумалок» конида йўлдош газларни утилизация қилувчи учта усқуна, 142 километрлик газ қувури ва 184 километрлик электр узатиш тармоғи ишга туширилди. Бундан ташқари, «Резаксой» сув омбори қурилиши якунланди, Навоий шаҳри халқаро аэропортида эса реконструкция ишлари амалга оширилди.

Бир рақам шарҳи



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

# СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

### Иқтисодий тизимни барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сир эмас, бундан 4-5 йил аввал турли текширувчиларнинг ўз фаолиятига ҳада-воқудда аралашувидан тadbиркор ишни юргизиши тугул, таъбир жоиз бўлса, бошини қашлаш ҳам қўли тегмасди. Уша пайтда хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти 63 та назорат органи томонидан текширилди-да. Ҳозир-чи? Бундай субъектлар мулк шаклига қараб, махсус тасдиқланган режа асосида Давлат солиқ идоралари томонидан ҳар 3-4 йилда бир марта текширилади. Қисқа текширувлар бундан мустасно, албатта. Шунингдек, жинсий ҳолатлар содир этилган тақдирда ҳужуми ҳимоя қилувчи бошқа идоралар ҳам уларнинг фаолиятини текширишга ҳақлидир.

Кўргазмали семинар павильонларини айланар экансиз, мамлакатимиз солиқ сиёсатида оид барча янгиликлардан воқиф бўласиз. Айниқса, "Юридик шахсни ташкил этмасдан тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланган жисмоний шахслардан олинмаган қатъий солиқ ставкалари", "Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилган солиқ имтиёзлари", "Фермер хўжалиқлари учун Ўзбекистон Республикасини қонунчилигида кўзда тутилган қўлайликлар" каби стeндлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. "Янги солиқ кодексининг асосий меъёрлари ва йўналишлари" стeнди олдида эса улар билан Давлат солиқ

идоралари вакиллари ўртасида савол-жавоблар қизғин тус олган. Ҳар бир киши солиққа оид барча саволларига мутахассислардан ҳужайи жавоб олишга танилган қўй этмоқда.

Тadbир доирасида, шунингдек, қонун ижодкорлари — Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокчиларга янги Солиқ кодексининг яратилиш жараёни, унинг аввалгисидан афзаллиги, жорий йилдаги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ҳусусида кенг тушунчалар беришга тeтгани барчага мақбул бўлмоқда.

Биз кўргазмали семинар қатнашчилари билан суҳбатлашганимизда, улар бунини яна бир қарра тасдиқладилар.

**Рашид СОБИРЖОНОВ,**  
**Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Янги Солиқ кодекси, табиийки, қўллаб афзалликларга эга. Жумладан, у тизимни тартибга солуви, тўғридан-тўғри амал қилувчи ягона ҳужжатдир. Бу ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган барча солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ягона рўйхати, уларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Шу жиҳатдан янги Солиқ кодексининг мазмун-моҳиятини, асосий меъёрлари ва йўналишларини кенг омма эътиборига ҳавола этишда бугун ташкил қилинган кўргазмали семинар муҳим аҳамият касб этади. Қаранг, мулк шакли турлича бўлган хўжалик юритувчи субъект-

лар вакиллари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишга танилган гаувоқ бўлиб турибмиз. Улардаги қизиқчанлик, ушбу қонун ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини чуқур англашга тeтгани бизни қувонтирмоқда. Шунини ҳисобга олиб, бундай кўргазмали семинарларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам бошқарма-бошқун ўтказиш кўзда тутилмоқда.

**Чўпон ЕЛУБОЕВА,**  
**"Ўзбекнеғро" давлат акциядорлик компанияси бош хисобчиси ўринбасари:**

— Республика миқёсидаги ушбу тadbирини, ростки, анчадан бери кутиб юрардим. Қувонарлики, авваллари бўлганидек, биз солиқчиларга эмас, балки солиқчилар бизга пeshовоз чиқишмоқда. Бу улар фақат назорат қилувчи органининг ходимлари эмас, балки ишлаб чиқарувчи субъектларнинг яқин маслаҳатчисига айланаётганининг тасдиғи эмасми? Бундай ҳолат ўзаро муносабатларга илқилиқ киритибгина қолмай, умумий иқтисодий тизимни ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Бу ерда биз хоҳлаган саволимизга, ўзимизни қийнаб турган масалаларга бир зумда ойдинлик киритаямиз. Янги Солиқ кодекси билан танишиб чиққан, менда ҳам бир-иккита савол туғилган. Мутахассислардан уларга аниқ ва равшан жавоб олдим. Пешоварда янги Солиқ кодексиди жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган

даромадларининг аниқ рўйхати, ижарага оид муносабатлар ва ижара ҳақи ставкалари аниқ белгилаб қўйилганга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Ҳолбуки, аввалги кодексда бу ҳақда гап йўқ эди.

**Зоир ШОМИРЗАЕВ,**  
**Учтепа тумани давлат солиқ инспекциясининг мuddатли тўловларни ундириб олиш шўъбаси бошлиғи:**

— Кўргазмали семинар давомида қўллаб хўжалик юритувчи субъект вакиллари билан янги Солиқ кодексида оид саволлар тушмоқда. Ўз навбатида, биз батафсил жавоб бераймиз. Самимий руҳда, ошқоралиқ тарзида кечаётган мулоқотларда улар шубҳа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга тadbир этишга кенг йўл очиб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик Кодекси, Жиноят Кодекси ҳамда "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Ихтиролар, фойдалар ва саноат намуналари тўғрисида"ги, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги, "Интеграл микросхема-лар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Электрон хисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар билан интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги, "Фан ва инновация фаолияти ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонлари, "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни тақомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида" ги қарори, шунингдек, Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, бир қатор қонуноти меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**  
**Сандолм ҲАЙДАРОВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**

Юртимиз азалдан юксак иқтидор ва салоҳиятга эга олим у фузалолар билан дунёга танилган. Хусусан, бугун ҳам Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улугбек каби буюк аждодларимиз номи тилга олинганда, ҳақон аҳли уларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатади. Чунки улар яратган интеллектуал маҳсулотлар доимо тараққиётнинг муносиб асоси бўлиб хизмат қилган.

Интеллектуал салоҳиятлар асри, ахборот технологиялари асри деб номланаётган XXI асрда ҳам Ўзбекистон ўзининг ижодий маҳсулотлари — асарлар, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, ЭҲМ дастурлари, маълумотлар базалари, селекция ютуқлари ҳамда шу каби бошқа интеллектуал мулклар билан дунё бозорига дадил кириб бормоқда ва муносиб ўринни эгалламоқда.

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ

Таъкидлаш жоизки, айнан истиқлол йилларида ижодий интеллектуал фаолият натижалари ва уларнинг қонуний асосларини яратиш, интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга тadbир этишга кенг йўл очиб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик Кодекси, Жиноят Кодекси ҳамда "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Ихтиролар, фойдалар ва саноат намуналари тўғрисида"ги, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги, "Интеграл микросхема-лар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Электрон хисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар билан интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда.

Мамлакатимиз интеллектуал мулк соҳасидаги кўп томонлама халқаро шартномаларга ҳам қўшилган. Миллий қонунларимизни халқаро норма ва шартномаларга мувофиқлаштириш, уларни имплементация этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги

Ўзбекистон Республикаси Қонуни ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги, "Интеграл микросхема-лар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Электрон хисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар билан интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги, "Фан ва инновация фаолияти ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонлари, "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни тақомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида" ги қарори, шунингдек, Вазирилар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, бир қатор қонуноти меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан ишлаб чиқилган ва Вазирилар Маҳкамаси томонидан киритилган "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича мажбурий қонун лойиҳаси энг янги ишланмалар тўғрисида тезкор ахборот бериб бериш, иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни, шу жумладан, кичик бизнесни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш, ихтироларга ҳуқуқий муҳофаза олишда ишлаб чиқувчиларнинг дастлабки маблагларини қисқартиришга қаратилган.

**Носимжон АЛИМОВ,**  
**Олий Махлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.**

## Маҳалла — менинг уйим

Хусусий тadbиркор Неъматжон Муродовнинг ҳудудда маънавий хизмат ва савдо мажмуаси куриш юзасида билдирган таклифи «Шарқ тонги» маҳалласида яшовчи каттаю кичикча бирдай маъқул тушди.

— Энг аввало, яшаш масканини оқиб бўлади, айни пайтда янги шохобчлар тўғрисида янги иш ўринлари очилди ўғил-қизларини яйраб меҳнат қилишди, — кўпчиликнинг фикрини ифода этди йигин раиси Исоқжон Холбоев.

# БАРАКА — АҲИЛЛИКДА

Неъматжон лойиҳани пухта қилган экан, ошона, чойхона, қосиб-чилик устахонаси, дўкондан иборат 18 шохобчали мажмуа юздан ортқ ёшни бағрига олди. Бирини сотувчи, яна бири пойабзал устаси, бошқаси ошпазлик ўринини эгаллаган йигит-қизлар, озми-кўпми топганлари билан рўзгор юритишда ота-оналарининг ёнига кириб қўлишди.

«Шарқ тонги» маҳалласи Наманган шаҳрининг марказида жойлашган ва шундоққина «Чорсу» дехқон бозори атрофидаги ҳудудни ўз ичига олган. Икки ярим минг нафар аҳолиси бор, яримдан ортқиги ёшлар. Унинг 500 нафарини воёга етмаганлар ташкил этади. Маъқул катламга мансуб ўғил-қизларнинг юриш-туриши, тарбияси ота-оналар қаторида бутун маҳалланинг доимий эътиборида. Шундай қилмас бўлмайди, чунки ҳудуддаги бозорнинг ўзига хос таъсири бор-да, катталар сингари болаларни ҳам тартади. Озгина чой-чақ топаман, деб ўзини савдога урган бола асосий юмуши — ўқини «унутиб қўйиши» ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам маҳалла фаоллари ёшларнинг юриш-туришини назорат қилиб боришади.

Ёшлар ўз қизиқиш ва интилишларига мос машғулот билан банд этиб қўйилса, ўзини бозорга ёки бейфойда юмушларга уришига ўрин қолмайди. Шу жиҳатдан олганда, маҳалланинг имкониятлари етарли. Ҳудуддаги «Спартак» стадиони болаларнинг энг севимли масканига айланган. Улар мураббий Солиқжон Мамашов бошчилигида миллионлар ўйини сирларини ўрганишди. «Шарқ тонги» деб номланган жамоага уюшган 24 футболчи нуфузли мусобақаларда ҳам қатнашди. Аввалги йили Ташкентда маҳалла футбол жамоалари ўртасида ташкил этилган мам-

## ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

даларимиз, юртимизнинг гузал табияти ҳар қандай сайёҳ эътиборини жалб этади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида халқаро туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайёҳлик инфратузилмаси йил сайин тақомиллаштириб, спорт, маданият, экология ва тарих билан боғлиқ туризм ривожланимоқда. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилиб, қўллаб қувватлаш мажмуалари қурилаётгани, мавжуд йўллар таъмирланиб, кенгайтирилаётгани, янгиликлар барпо этилаётгани соҳа ривожига ижобий таъсир этаётди. Бунда Президентимиз Исрол Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тadbирлари чора-тadbирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омили бўлмоқда.

Тadbирда Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболи ва икки мамлакат туроператорлари ўртасидаги алоқаларини янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

**И. УМАРОВА,**  
**Ўза мухбири.**

## Маҳаллада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг қарор топиши, кўп жиҳатдан, фуқаролар йигини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчисининг билими, малакаси, жонқурлигига боғлиқ.

## Маслаҳатчи фидойи бўлиши керак

Қарши шаҳридаги Гулшан маҳалласида ўтказилган кўргазмали семинар ана шу долзарб масалаларга бағишланди. Шаҳар ва туманлардан келган маслаҳатчилар маҳаллада айёларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар билан танишдилар. Ўзаро мулоқот чоғида маҳалла маслаҳатчиси Каромат Муродовнинг иш тажрибаси маъқулланиб, уни барча маҳалла-ларда оммалаштиришга келишиб олинди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## ЕР — САХОВАТ МАНБАИ

Ўтган йили 14 гектар пахтазордан гектарига ўртача 35 центнердан ҳирмон уюлди. — Бизнинг ҳудуддаги ерларнинг умумдорлиги паст, — дейди Шоназар Бобоназаров. — Лекин чин дилдан меҳнат қилиб,

парвариш вақтида қилинса, ер саховатини аямаслигига оила аъзоларимиз билан ишонч ҳосил қилдик. Ҳозир ҳўжалигимиз ер майдонининг балл бонитети анча кўтарилди. Шунинг учун бу йил кўрсаткичларни яна-

## Бухоро томонларда

## ҲАВЗАЛАР ҲАЗИНАСИ

Бухоро вилоятининг 2007-2010 йилларда балиқчилик тармоғини ривожлантириш чора-тadbирлари дастурига мувофиқ, бу ерда республикада биринчи бўлиб балиқчилик корхоналари уюшмаси тузилди.

Ҳозир маъқур уюшмага 25 тадан зиёд балиқ овлаш ва балиқ етиштириш корхоналари бирлашган. Улар ихтиёрида 101 минг гектардан кўпроқ табиий ва сунъий сув ҳавзалари мавжуд. Маида балиқчилик назорат қилиш ўстириш учун эса «Денгизқул», «Қорақир» ва «Замонбоб» кўллари ёнида махсус сунъий ҳавзалар барпо этилди. Натижанда бултур вилоятда балиқ етиштиришда 2006 йилдагига нисбатан 114 фоиз ўсишга эришилди.

## ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан ҳисобланган Олот туманида томорқа хўжалиги тобора ривожланиб борапти. Бу ерда яшаётган 19 минг 754 та оила жами 4102 гектар томорқага эга. Шунинг 183 гектари томорқа мевазордир. 3919 гектар ерда эса галла, полиз, сабзавот маҳсулотлари, дуққалик ҳамда озуқабоб экинлар ўстирилади.

— Жамғаримиз ҳамда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иш кўзини билдирган томорқачилар тажрибасини оммалаштиришга ҳаракат қилишмоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Б. Воҳидов. — Аҳолининг шахсий томорқа ерларидан самаралар ва мақсадли фойдаланишни назорат қилиш бўйича илччи гуруҳи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Худди шундай гуруҳлар қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида ҳам тузилган.

Ҳа, гарчи томорқа шахсий бўлса-да, ундан қандай фойдаланилаётганига жамият бефарқ эмас. Ҳар қарч ернинг қадри бор, деб беҳиз айтишмаган, ахир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**  
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ҲАМЖИҲАТЛИК МАКТАБИ

Маҳалла фуқаролар йиғини институтини — қадриятларимизни кўзгуси. Аҳиллик, ўзбекона меҳр-оқибатни шакллантириш мактаби.

Бир қарашда китобий туолган бу тушунчалар мазмун-моҳиятини мен йигинимиз таркибидидаги Маматмурод Ҳўжамқулов номли маҳалла мисолида яққол кўргандай бўламан. Асли касби ўқитувчи Эшқувват Худойқулов шу маҳалла оқсоқоли. 14 йилдан бундан раис бўлиб ишлади. Одамларнинг ўзи унинг қаватида ёрдамга келишади. Бақамти бўлишди. Чунки у кўнунинг ҳурмат-илосини қозонган. Айни пайтда бирон муаммо-ташвиш туғилганида раис чарчо-

ғини унутмайди. Эл билан ёлкама-ёлка туради. Ана шу маҳаллада Худойқулов ишлаб келаётганидан бундан ҳатто майда ўғирлик содир бўлмагани, табиий газ, тоза ичимлик суви ўтказилгани, КВП қурилиб, мактаб, йўл-гузарлар оқиб бўлгани, буларнинг ҳаммаси — аҳиллик шарофатидир. Биз вилоят бўйича энг йирик йигинимиз. Аҳолимиз 42 минг киши. Маҳалларимиз 12 та. Оилалар ўн мингтага яқин. Шуларнинг қарий ярми — ш

оилалар. Пешқадам маҳаллаларнинг оқсоқоллари тажрибасига таяниб, ёшларни биз жамоат ишларига кўпроқ тарта бошладик. Масалан, бизда 800 гектар чам томорқа бор. Кўча-кўйда тентираб юришдан, бемаврид гурун-гаштаклардан ўзини тортиб, томорқасида ишлайдиган, кўрасини тўлдириб мол боқадиган ёшлар кўп. Ва афсуски, ишла деса елка учириб, кекса ота-онасининг нафрасига томоғи тақиллаб турадиганлар ҳам йўқ эмас.

**Ўзини ўзи бошқариш**

Бундай ҳолатларга биз меҳнат тарбиясини қарши қўйяптимиз. Ҳар бир маҳаллада оқсоқоллар хайъати ишлаб турган бўлса, шу хайъатнинг таркибий қисми ёшлардан иборат. Томорқачилар қишлоқ трактор топилмаётганлари йўқми, оилавий можазолар чиқаришга мойиллар-чи, жазо мuddатини ўташ муассасаларидан қайтганларга нима ёрдамлар кўрсатилганлиги, мактабларнинг ишлари қанча — бу юмушларга энди бевосита ёшларимиз қизиқадиган, бирон камчилик устидан жон кўйдирадиган бўлиб боришмоқда. Ёшлар тарбияси билан оқсоқоллар етакчилигида бевосита ёшларнинг ўзлари шуғулланишмоқда.

**Эргаш МҮМИНОВ,**  
**Қумқўрғон туманидаги «Оқсар» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

ЖАҲОН

24 соат ичида

Тўқнашув оқибати



АҚШнинг Миннесота штатида йўл ҳаракати ҳалокати содир бўлди. Мактаб ўқувчиларини олиб кетаётган автобус бир нечта машиналар билан тўқнашиб кетган. Маҳаллий ҳокимият вакилининг сўзларига кўра, тўқнашув оқибатида уч киши ҳалок бўлди, ўндан ортиги жароҳатланди. Ҳозирда полиция ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.

Портловчи қурилма ишга тушди

Ироқ пойтахти Бағдодда портловчи қурилманинг ишга тушиши оқибатида 15 нафар полиция ходими ҳалок бўлди. Яна 27 киши оғир тан жароҳати олди.

"Рейтер" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, воқеа портловчи қурилмаларни зарарсизлантириш чоғида содир бўлган.

Ҳарбий вертолёт ҳалокати



Жанубий Кореянинг Кёнгида музофотида Корея армиясига қарашли вертолёт ҳалокатга учради.

"Ассошиэтед пресс" ахборот агентлиги хабарига айтилишича, вертолётдаги етти киши ҳалок бўлган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Дастурхонда ҳашаротли таом




Олимларнинг сўзларига кўра, айрим ҳашаротларда гушт ва балиқ таркибидagi витамин ва минераллар мавжуд. Ана шу жониворлар озик-овқат муаммосини ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин экан. Мутахассислар 1400 дан ортиқ ҳашаротни истеъмол қилиш мумкинлигини исботлашди.

Вақти келиб дунё ҳамжамияти озик-овқат маҳсулотлари етишмаслиги муаммосига дуч келиши мумкин. Бундай фарзани Озик-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти мутахассислари билдиришмоқда.

Таъкидлаш лозимки, айни пайтда дунёнинг айрим мамлакатларида ҳашаротлардан тайёрланган таом тансиқ саналади.

Нефть нега қимматлашмоқда?



Жаҳон бозорларида нефть нархининг ошиб бориши давом этмоқда.

Чоршанба кuni бир баррель нефтининг нархи юз долларга етди. Бунга сабаб ОПЕК ташкилотига аъзо мамлакатларнинг март ойида нефтни етказиб беришда айрим чекловларни жорий этишидир. Шунингдек, Техасдаги нефть заводида рўй берган ёнғин АҚШ ва Венесуэла бозорларига салбий таъсир кўрсатди. Таҳлилчиларнинг сўзларига кўра, нефть нархининг ўсиб бориши давом этади.

Таҳлилчиларнинг сўзларига кўра, нефть нархининг ўсиб бориши давом этади.

Наҳангларнинг 90 фоизи қирилиб кетган



Бутунжаҳон табиатни муҳофаза қилиш кенгаши мутахассислари наҳанглар камгайиб кетаётганини маълум қилди.

Кенгаш томонидан тузилган рўйхатга кўра, наҳангларнинг 90 фоизи қирилиб кетган.

Кенгаш вакили Жулия Баумнинг билдиришича, яқин йилгирма йил ичида наҳанглар сўвисти дунёсидан бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ШИФОБАХШ ИССИҚ НОН

Нукуснинг Қизқетган шаҳарчасида жойлашган «Иссиқ нон» цехи новвойларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар ёлган бўрсилдоқ нонлар бир зумда сотилиб кетади. Ушбу цехга «Қорақалпоқдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти ун етказиб беради. Шу маънода, «Иссиқ нон» муваффақиятида мазкур жамият жамоасининг ҳиссаси катта, албатта.

— Юртимиздаги 14 та ун заводида витамин ва минераллар билан бойитилган ун ишлаб чиқариладиган дозатор мосламаси ўрнатилган бўлиб, бизнинг корхонамиз ҳам шулар сирасига кирди, — дейди жамият раиси Азат Сайимбетов. — 2007 йилда 26173 тонна ун маҳсулотлари ишлаб чиқарган бўлсак, шунинг 22146 тоннаси бойитилгандир. Жамияти-мизга қарашли новвойхоналарга 611 тонна бойитилган ун етказиб бердик. Таъкидлаш керак, нон ёпиш жараёнида ундаги витаминлаштирилган озик-овқат элементларини сақлаб қолиш қоидаларига тўла риоя этилмоқда.

Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, аралаш эмга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш ҳамда аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида Нукус шаҳри, Нукус ва Тўрткўл туманларида биттадан, Кегайли ва Эллиққалъа туманларида 2 тадан шохобча очилиб, ўтган йили улар орқали 10859 тонна озуқа сотилди.

Ҳиссадорлик жамияти жамоаси юртимизда қасаначиликни ривож-



лантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Дейлик, бултур қасаначилик асосида 41 нафар хотин-қиз ишга жалб этилди. Улар «Қорақалпоқдонмахсулотлари» буюртмасига асосан, иш қийимлари, қўлқоплар тикиб, ҳам ўз хонадонларига, ҳам корхонага наф келтирмоқда.

Яхши шароит — унумли меҳнат гарови, дейишади. Бу ҳикмат тасдиғини ҳиссадорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхона қошида чойхона, ҳаммом, болалар бочғаси ишлаб турибди. Аиникса, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилатгани ўз самарасини бераётир.

Айни пайтда корхонанинг омухта ем тайёрлаш цехи қайта реконструкция қилинмоқда. Бу иш

яқунланса, ишлаб чиқариш қуввати ошиб, ем сифати янада яхшиланади. Яна бир янгилик. Ишчилар хизмати учун юртимизда ишлаб чиқарилаётган «Исузу» автобусини харид қилиш бўйича яқинда лизинг шартномаси тузилди. Бу корхонада меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган ҳаракатнинг изчил давомидир. Корхона жамоасининг бу йилги мақсадлари ҳам улкан — 26042 тонна ун, 725 тонна нон, 610 тонна макарон ва 10200 тонна омухта ем ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, қўшимча 3 та омухта ем сотиш шохобчасини очиб мўлжалланмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ.

Бунёдкорлик

Тошкент вилоятида савдо, умумий овқатланиш, аҳолига тиббий ва сервис хизмати курсатиш шохобчалари барпо этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу ишга хусусий тадбиркорлардан ташқари, ҳомий ташкилотлар ва турли жамоалар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Хайрли Анъана

Натижада бултур 520 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига қатор шаҳарларда бир нечта саргарошхона ва ҳаммом очилди. Бундан ташқари, қўлаб пойабзал таъмирлаш, радио-телевизор ва соат солаш, автомобилларга хизмат кўрсатиш устандалари фаолият кўрсата бошлади.

Бундай хайрли юмушлар жорий йилда ҳам изчил давом этирилимоқда. Чунонки, бундан бир неча hafta муқаддам "Чирчиқ газ тўлдириш станцияси" масъулияти чекланган жамияти томонидан ушбу шаҳарда "Шабба" деб номланган 400 ўринли ресторан қуриб битказилди. Айни кезларда эса Янгийул шаҳридаги деҳқон бозори ҳомийлар кўмағида қайта таъмирланаяпти. Бунинг учун 1,5 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, бозордаги расталар сонини 900 тадан 1600 тага етказиш ва барчасини замонавий услубда жиҳозлаш мўлжалланаяпти.

Масалага шу ҳаётдан қараганда, яқинда Паркент туманида очилган "Доривор ўсимликлар" масъулияти чекланган жамияти жамоасининг ҳам нияти улғу. 25 гектарлик тақриба майдонда турли хил шифобахш گیёҳларни йиғиш ва "Узфармасаноат" давлат акциядорлик концерни тизимидаги корхоналарга етказиб бериш билан шуғулланаятган бу шохобча ҳодимлари ўз фаолиятларини янада кенгайтириш, шу мақсадда доривор ўсимликлар дилма-ларини қадоклайдиган цех қуриш тадбирини кўрмоқдалар.

Абдунаби ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ — МУҲИМ ҲУҶЖАТ

Жамиятимизда бозор иқтисоди асосларини шакллантириш, кишлоқ хўжалигида тўб исплохотларни амалга ошириш натижасида катта-кичик корхоналар, фирмалар, фермер ва деҳқон хўжалиқлари ташкил этилиб, шунга яраша иш берувчи ва ишчи-ҳодим ўртасидаги муносабатлар ҳам тақомиллашиб бормоқда. Маълумки, ҳар бир ишчи ё хизматчи белгиланган ёшга етганидан кейин пенсияга чиқади ва бунда меҳнат дафтарчаси асосий ҳужжат вазифасини бажаради.

Бирок, қатъий ҳисоб-китоб қилиниши лозим бўлган бу ҳужжатнинг босмаҳонадан янги чиққан дафтарчаларини сотиб олиш, кейинги пайтда бир қадар бемалолроқ бўлиб қолгандай эди. Бу ҳол эса турли суистеъмолликларни келтириб чиқариши табиий. Ҳудди шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекциясининг бош нозирини Абдуҳамид ТУРДИЕВГА мурожаат қилди.

— Мазкур Ўзбекистон амал қилаётганига ўн йилдан ортиқ вақт ўтиб, бугунга келиб уни қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди. Ишлаб чиқилган ўзгариш ва қўшимчалар Адлия вазирлигида 2007 йил 14 апрелда рўйхатга олинди, қонуний кучга кирди. Амалда бўлган Ўзбекистон иш берувчилар томонидан меҳнат дафтарчаларини тўлдирдиш, меҳнат шартномаси бекор қилинганди меҳнат дафтарчасини бериш тартиби, меҳнат дафтарчасининг дубликатини бериш каби масалаларни ўз ичига олган бўлиб, аммо, меҳнат дафтарчаларининг янги намуналарини қаердан ва қайси тартибда, қанча миқдорда олиш масалалари кўрсатилмаган эди. Шу сабабли, иш берувчилар томонидан нечта янги меҳнат дафтарчасига маблағ ўтказилса, шунча миқдорда бериб келинган. Оқибатда эҳтиёждан

ортиқча дафтарчаларнинг қонуний юритилишини назорат қилиш имкони бўлмаган. Янги тахрирда, жумладан, шундай дейилади: «Ҳар бир корхона ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, лекин шлат жадаллида назарда тутилган ҳодимлар сонидан ошмаган ҳолда, меҳнат дафтарчалари сотиб олиш ҳуқуқига эга». Улар маҳаллий меҳнат идораларидан олди-сотиш шартномаси асосида сотиб олинганда, фуқаролар томонидан сотиб олиш тақиқланади.

Ўзбекистонда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар салбий ҳолатларнинг олдини олиш билан бирга, иш берувчилар томонидан олинган меҳнат дафтарчаларининг назоратини ҳам таъминлайди. Меҳнат дафтарчаси (меҳнат дафтарчаларига қўшимча варақлар)га эҳтиёжи бўлган иш берувчилар ўзлари жойлашган туман (шаҳар)да Бандликка қўмақлашувчи марказга бериб борадилар. Унда янги меҳнат дафтарчасининг қайси ҳодимга, қайси кунга очилганлиги ва бу тўғрисидаги бўйруқ рақами кўрсатилади. Бундан ташқари, тизимдаги Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекторлари томонидан белгиланган тартибда ўтказилаётган текширишларда ҳам иш берувчилар томонидан меҳнат дафтарчаларининг очилиши ва юритилиши назорат қилиб борилади. Айрим ҳолларда, ишга қабул қилинган ҳодимларнинг ўзларига янги меҳнат дафтарчасини олиб келиш талаб қилинади. Бу эса амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш соҳибонади, чунки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ва юқорида номини эълан Ўзбекистон талабига қўра, меҳнат дафтарчасини очиб иш берувчининг мажбуриятларидан биридир.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз барча ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясига, меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Х. ОЛИМЖОНОВ сўзбеллашди.

Бизнинг шарҳ

шаклдаги маълумотларни туман (шаҳар) Бандликка қўмақлашувчи марказга бериб борадилар. Унда янги меҳнат дафтарчасининг қайси ҳодимга, қайси кунга очилганлиги ва бу тўғрисидаги бўйруқ рақами кўрсатилади. Бундан ташқари, тизимдаги Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекторлари томонидан белгиланган тартибда ўтказилаётган текширишларда ҳам иш берувчилар томонидан меҳнат дафтарчаларининг очилиши ва юритилиши назорат қилиб борилади. Айрим ҳолларда, ишга қабул қилинган ҳодимларнинг ўзларига янги меҳнат дафтарчасини олиб келиш талаб қилинади. Бу эса амалдаги қонун ҳужжатларини бузиш соҳибонади, чунки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси ва юқорида номини эълан Ўзбекистон талабига қўра, меҳнат дафтарчасини очиб иш берувчининг мажбуриятларидан биридир.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз барча ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясига, меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Х. ОЛИМЖОНОВ сўзбеллашди.

ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ ТАҶРИБА

Таълим жараёнига замон тақозо этган янгича услубларни татбиқ этиш ижобий натижалар бермоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунига бағишланган йилгилик ҳисотида ҳам бу жиҳат йўлбошчи томонидан алоҳида тилга олинди. Зеро, бугун таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзланган дастурлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Бу борада Оқдар туманида ҳам муайян ижобий ишлар амалга оширилди.

ТАЪЛИМ

Тошкентда ўтказилган Россия ва Ўзбекистон ҳамкорлигида уюштирилган халқаро олимпиадада фахрли 2-ўринни эгаллади.

Укувчи ёшларнинг синфдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида 35 та тўғарак ва спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, ўқувчиларнинг 85 фоизи ушбу машғулотларга жалб қилинган.

Мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигини самарали ташкил этиш натижасида болалар тарбияси ва уларнинг дарсларга қизиқиши борасида анча-инча ижобий курсаткичлар кузатилди. Жумладан, ҳар чорак якунида ўтказилаётган умумлаштирувчи ҳисобот

дарсларини ота-оналар, маҳалла ва жамоатчилик иштирокида ташкил этиш анъанаси айланган. Бу ҳамкорлик ўз навбатида болалар тарбиясида юзага келиши мумкин бўлган қурулларни баргараф этишда қўл келмоқда.

Таълим масканидида маблағ топиш ва уни ўз ўрнида сарфлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Утган ўқув йилида сармоядан ташқари 890 миң сўм топилган маблағ жамоатчилик кенгаши томонидан мактабни таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда мактаб кутубхонаси учун баддий адабиёт сотиб олишга сарфланди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур мактаб бугун бошқа таълим муассасаларига ўрнак бўлса арзийдиган жиҳатлари билан алоҳида эътирофга лойиқ. Олиб борилаётган савий-ҳаракатлар натижасида ёшларимизнинг юксак талаблар даражасида таълим олишга эришилмоқда. Бинобарин, тизимда бу сингари ижодкор ва аҳил жамоалар нечоғли кўп шаклланиб бора, келажагимиз ворисларининг ҳаёта муносиб ўрини топишга ишонч ҳам шу қадар мустаҳкам бўлади.

Ш. НИГМАТОВА, Самарқанд вилоят Оқдар тумани халқ таълими бўлими мудири.



Туманимиздаги мавжуд 50 та умумтаълим мактабидида 2297 нафар малакали педагог бу ишга астойдил бел боғлаган. Ушбу мактабларнинг 32 тасида ўқувчилар қобилияти ва қизиқишларига қараб чуқурлаштирилган таълим синфлари фаолият кўрсатаяпти. 2, 39, 45-умумтаълим мактабларида эса ихтисослаштирилган фанлар йўналиши бўйича ихтидорли болалар маҳсус мактаби ташкил қилинган.

Хусусан, бундан икки йил муқаддам 45-умумтаълим мактаби негизинда биринчи бўлиб ихтисослаштирилган ихтидорли болалар мактаби ташкил қилинган эди. Бу даргоҳда бугунги кунда 70 нафар педагог 1266 нафар ўқувчига таълим-тарбия бермоқда.

Айниқса, мактабнинг тажрибали ва фидойи ўқитувчиларидан ҳисобланмиш «Шухрат» медали соҳибаси, математика, информатика фанлари ўқитувчиси Дилором Мамашарипова, халқ таълими аълочиси Соҳида Юсупова, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулжаҳон Саидова сингари устозларнинг савий-ҳаракатлари билан бу аҳил жамоа қатор йиллардан бундан бунча қўрсаткичлар бўйича вилоятда етакчи ўринларни қўлдан бермай келаётир.

«АЛОҚАЛОУИНА» МҶЗ
курулиш бўлимига бўлим бошлиғи ва бош мутахассис лавозимларига лойиҳачи мутахассисларни ишга таклиф қилади.
Талаблар: фуқаро ва саноат қурилиш мутахассислиги бўйича олий маълумот, металл конструкцияларни лойиҳалаш ишларидаги 10 йилдан кам бўлмаган малака.
Манзил: Тошкент ш., Амир Темуր к., 24. Тел.: 234-96-11.

«РЕСПУБЛИКА КҶЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказилаётган оқиқ аукцион савдосига таклиф этади!
Аукцион савдосига «Нилуфар-Д» ИЧТФнинг суд бошқарувчиси томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2007 йил 27 октябрдаги 17-04-05-1451-сонли ажримига асосан банкрот деб эътироф этилган, «Нилуфар-Д» ИЧТФнинг Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 6-«А» уйда жойлашган қўйидаги мулкларни мулкрий мажмуа сифатида қўйилмоқда:
— 22 номдаги бино-иншоотлар (А, А1, А2, А3, А4, А5, А6, А7, Б, Б1, В, В1, Г, Е, Е1, Е2, Е3, Е4, Е5, Е6, Ж, З, Л1, И, К, Н, Н1, О литерларда, қурилиш майдони — 6198,7 кв.м.), 20 номдаги 24 та музқаймоқ ишлаб чиқариш технологик линияси, 15 номдаги ёрдамчи ускуналар ва 69 номдаги 131 та бошқа турдаги ускуна ва мулклар. Ушбу ишлаб чиқариш бино-иншоотларининг умумий қурилиш майдони — 5011,7 кв.м., умумий фойдаланиш майдони — 1536,82 кв.м.ни ташкил этади.
Бошланғич баҳоси — 644 165 200 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 17 март кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулклар 17 март кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулклар 17 март кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулклар 17 март кун соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Аска» банки Андижон вилояти филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўловларини шарт: МФО 00069, ИНН 200933850, х/р 22622009200571452003.
Манзил: Андижон вилояти, Андижон ш., Навоий к., 30-уй.
Телефонлар: (8747) 224-48-93, 224-37-86.
www.rkmb.uz

ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
Диаметр от 20 до 110 мм с различной толщиной стенки
Для ВОДОСНАБЖЕНИЯ ГАЗОСНАБЖЕНИЯ КАНАЛИЗАЦИИ КАБЕЛЬНЫХ РАБОТ и др.
Форма оплаты — безналичный расчет.
Тел: +998 97 1567899, факс: +998 71 3682525
E-mail: trubs\_suz@mail.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru

**Истеъдодлар, бормисиз, омонмисиз?**

— Қаранг, бу болалар ҳақида китобда ҳам ёзишган, — дейди Қамашининг «Қизғалдоқ» болалар боғча-мактаб мажмуаси директори Раъно Маматова. У менга олимпиадада «Халқ урф-одатлари ва анъаналари» номли чиройли муқоваланган, анчагина салмоқли бир китобини кўрсатди.

**ҚАМАШИНИНГ ҚИЗҒАЛДОҒИ**

Мазкур китобда «Қизғалдоқ» болалар ансамбли фаолиятига алоҳида ўрин ажратилган. Бу бежиз эмас, албатта. Бундан 9 йил муқаддам, 1999 йилнинг баҳорида дастлабки қадамларини ташлаган, таъбир жоиз бўлса, илк бор очилган «Қизғалдоқ» шу йиллар давомида ўз муҳлисларини топди.

— Вақтида Мухлиса Аҳмедова исмли тарбиячимизнинг боғча тарбияланувчиларидан ансамбль тузиш ҳақидаги ташаббуси мен учун хомхаёндай туюлганди, — дейди жамоанинг мусиқа раҳбари Мустафо Турниёзов. — Ахир, ўзингиз ўйланг. Эндигина тўрт ёки олти ёшга тўлган болани саҳнага тайёрлаш, кўшиқ ва рақс ижро этишга, концертлар намойиш этишга ўргатиш осон иш эмас-да. Лекин биз астойдил ҳаракат қилдик. 4-6 ёшли болалар М.Аҳмедова саҳналаштирган халқ рақсларини, Рашид Чоршанбиев, Акбар Дибировлар куй басталаган халқ кўшиқлари ва лапарларини яхши ўзлаштириб, завқ-шавақ билан ижро этишди.

2002 йилда жамоа чет элда ўтказилгандаги Ўзбекистон санъати кунларида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритди ва у ерда ўз дастурини муваффақиятли намойиш этди. Орадан бир йил ўтиб, яна бир халқаро фестивалда фаол қатнашди. Жажжи санъаткорлар 2005 йили фольклор-этнографик ансамбллар жамоаларининг минтақавий фестивалида

юқори савиядаги ижрочилик маҳорати ҳамда ўзига хос миллий услубдаги дастур ижроси учун 1-даражали дипломни қўлга киритишди. Жамоа ёш ижрочиларининг Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналаридаги чиқишлари ҳам олқишларга сазовор бўлган эди.

Халқимизнинг минг йиллардан буён яшаб келаётган кўшиқ ва рақсларини 6 яшар Азиза Тожиева, Маржона Аҳмедова ёки 10 ёшли Абдуллажон Тожиев, Дилбар Рустомова сингари ёш истеъдодлар ижросида тинглаш киши қалбига ажиб беғуборлик олиб киради. Жажжи хонанда Маржона Аҳмедованинг қумушсимон сочпоғунини жинглиги рақс тушганию, «Доирани чалинг, момо», «Ўпон» сингари кўшиқларини юрагимиз тошиб тинглаймиз...

Одатда, табиатнинг гўзал чеги бўлмиш қизғалдоқ авжи баҳор кунларида очилиб, тоғу қирларга алвон гилам тўшайди. Не бахтки, Қамашининг қизғалдоғи йил бўйи очилиб, жозибали кўшиқлари, рақслари билан барчанинг кўнглига йўл топти. Энг муҳими, улар миллий санъатимизга меҳр қўйиб, халқ куйларининг туб моҳиятини, маъно-мазмунини англаб улғайишмоқда. Келажакда «Қизғалдоқ» бағридан бетакрор истеъдодли, юксак савияли санъаткорлар етишиб чиқиши учун шунинг ўзи кифоя, назаримизда.

Абдулло БОБОЁРОВ.

**БЕБАҲО МЕРОС**

Кунин кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ижодига бағишланган кўргазма очилди. Мазкур намойиш «Биз билган ва билмаган Чингиз Аҳмаров» деб номланган.

Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди. Кўргазмага рассом Чингиз Аҳмаровнинг устахонаси ва хусусий тулғамларидан жой олган ва аввал ҳеч қаерда намойиш этилмаган жами 60 та тасвирий санъат асарини тақдим этилган.

Шунингдек, кўргазманинг очилиш маросимиде Чингиз Аҳмаровнинг «Тузаликка йўл» хотиралар китоби тақдими ҳам ўтказилди. Ушбу рисола Миллий санъат маркази томонидан рассом асарларига оид фотосуратлар билан бойитилган ҳолда нашрга тайёрланган.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонкорғичлар, экскаваторлар, ёнилги ташувчиларни) таклиф этади.

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

(Минск шаҳридаги собик «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, кишлок хўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бундан ташқари Минск шаҳрида боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз: «O'zbekMAZservis» кўпма қорхонаси ва мурожат қилганингиз, бас: «МАЗ» ва «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.



Манзил: 100095, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

**Фермер, деҳқон ва шахсий хўжаликлар эгалари диққатига!**

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 июлдаги «Мева-сабзавот, полиз ва узум ресурсларидан унумли фойдаланиш чоралари тўғрисида»ги 145-сон Қарорига мувофиқ, Республика ички истеъмол бозорини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳоли эҳтиёжини тўлароқ қондириш, бозорларда нархларни барқарорлаштириш, экспортга чиқариш учун «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тизимининг қуйидаги худудий улгуржи савдо базалари билан картошка, пиёз, сабзи, бодринг, қарам, қовун, узум, тухум, асал, гуруч ва гўшт маҳсулотларига

**Фьючерс шартномалари тузишга таклиф этамиз:**

Т/р	Улгуржи базанинг номи	Манзили	Хизмат телефони
1	«Озёқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораси	Тошкент ш., Олтинқул кўч., II-тор кўча, 115	291-40-11
2	«Андижонгўштсавдо» ОАЖ ХУБ	Андижон ш., Чинобод к., 1	26-33-22
3	«Бухорогўштсавдо» ОАЖ ХУБ	Бухоро ш., Когон шоссеси, 10	5-41-71
4	«Қашқадарёозёқовқатмоллари» ОАЖ ХУБ	Қарши ш., «Ўзбекистон овози газетаси» к.	7-02-98
5	«Намангангўштсавдо» ОАЖ ХУБ	Наманган ш., Юқори Раустон	32-64-60
6	«Намангансавдо улгуржи база» МЧЖ	Наманган ш., Навоий к., 31	33-54-27
7	«Наманган улгуржисавдоинвест» МЧЖ	Наманган вил., Тўрақўрғон тумани, Янги шаҳар қишлоғи	444-22-191
8	«Самулгуржиагрорсервис» ШК	Самарқанд ш., Ёқубов к., 121	21-80-10
9	«Сурхондарёозёқовқатмоллари» ОАЖ ХУБ	Термиз ш., Хидоят к., 1	2-38-67
10	«Фаргонагўштсавдо» ОАЖ ХУБ	Марғилон ш., Янги Фарғона к., 1	237-40-26
11	«Кўкон баққоллик» МЧЖ УУХБ	Кўкон ш., «Халқ сўзи рўзномаси» к., 16	2-26-00
12	«Киргулисавдо» МЧЖ ХУБ	Фарғона ш., Киргули м., Қўқаламзор к., 8	2-58-00
13	«Янгийўл улгуржи савдо база» МЧЖ	Янгийўл ш., Самарқанд кўч., 187	2-37-01
14	«Сервисторг» МЧЖ УУХБ	Тошкент ш., Фуркат к., 6	139-18-75
15	«РТПФ Тижорат» ОАЖ УУХБ	Тошкент ш., Навоий к., 25	139-11-55
16	«Коракалпоқгўштсавдо» ОАЖ УУХБ	Нукус ш., Бердах гуз., 6	3-72-17
17	«Фаргонаулгуржисавдоинвест» МЧЖ ХУБ	Фарғона вил., Марғилон ш., Тонг юлдузи к., 2	237-54-45



МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:  
**139-10-17, 139-11-51, 139-48-26.**



**«Визитна» янги бепул хизмати!**

Сиз МТС тармоғига уландингизми ёки рақамингиз ўзгардимиз ва сиз бу ҳақда дўст ҳамда яқинларингизни хабардор қилмоқчимисиз?

«Визитна» бепул хизматидан фойдаланинг!

USSD-хизмат рақамига қўнғироқ қилиш	Қўнғироқ натижаси
*105# халқаро кўринишда телефон рақами#	«Визитна» хизмати ердамида сиз дўст ва яқинларингизга ўз мобил рақамингизни маълум қилишингиз мумкин. Сиз исму шарифингиз ва телефон рақамингизни тегишли шарт эмас, система автоматин равишда сизнинг рўйхатга олинган маълумотларингизни кўрсатилган рақамга SMS-хабар тарзида жўнатеди. 1030909 рақамли Тошкент шаҳар абонентига визитнагизни юбориш мисоли кўйидагича: *105#998971030909#
	Хабар олувчи кўйидагича SMS-хабар олади: «Телефон: +998XX XXX XX XX принадлеит: Ф.И.О.»
	Қўшимча имоният: *105# рақамига қўнғироқ қилиб сиз ўз телефонингиз бўйича рўйхатга олинган маълумотларни: халқаро кўринишда телефон рақами, исму шариф, норий хизмат ренаси ва хизмат рена ўрнатилган санани билишингиз мумкин.

«RED» ва «Time» абонентларидан ташқари


**«Ўз тариф ренангизни билиб олинг» янги бепул хизмати!**

Ўз хизмат ренангизни билиш – осон!  
\*111\*100# рақамига қўнғироқ қилинг!

Бошқа хизмат ренасига ўтиш учун USSD-хизматидан фойдаланиш мумкин:  
«БИРИНЧИ»га – \*111\*101#; «БИЗ»га – \*111\*102#; «OPEN»га – \*111\*103#; «ЭРНИН»га – \*111\*104#

0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09  
www.mts.uz / wap.mts.uz  
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунроба» компанияси томонидан тақдим этилади

Хизматлар лицензияланган



**Спорт Sport Спорт**

Қиш ойларида қасаба уюшмалари Фарғона вилояти кенгаши таркибидеги тармоқ кўмиталарида турли мусобақалар ўтказиш анъанасига айланган. Тармоқда бу ўзаро баҳсларни меҳр билан кичик олимпиада деб аташади.

**КАТТА МАҚСАДЛИ КИЧИК ОЛИМПИАДА**

Яқинда металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаси ташаббуси билан спортнинг мини-футбол, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Шашкадан фарғоналик К. Рустамов ҳамда қувасойлик Х. Ашурматовларга тенг келадиган топилмаган бўлса, стол теннисиде Фарғона механика заводи ишчилари Х. Султонов ҳамда Л. Калимулиналар голиб бўлишди. Мини-футбол баҳсларида эса «Таподиск» жамоасининг қўли баланд келди.

Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**РАЪНОНИНГ БЕШТА ОЛТИНИ**

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув спорти саройида сузиш бўйича республика кичи чемпионатининг якунловчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, беллашуларда андижонлик Раъно Омонова энг яхши кўрсаткичга эришди. У аввалги босқичларда 400 ва 1500 метрга эркин усулда сузиш бўйича олтин медалларни қўлга киритган эди. Раъно якуний босқич баҳсларида ҳам муваффақиятли иштирок этди. 200 метрга баттерфлей ҳамда брасс, 400 метрга комплекс усулда сузишда ҳам унга тенг келадигани топилмади. Пойтахтлик Сергей Паньков ва Андрей Морковинлар ҳам иккитадан олтин медаллар совиндорлар бўлишди. Мусобақа якунида барча голиб ва совиндорлар чемпионат медаллари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошидаги Олий бизнес мактаби жамоаси кафедраси мудири Талъатжон Шадибаева волида муҳтарамаси

РИСОЛАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Камалиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги, профессор Рафазл Ходиевич ТАКТАШНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси иқтисодчи Рафиқа Хасановага волида муҳтарамаси

ХОСИЯТХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий сурғура компанияси жамоаси «Ўзбекивест сармоялари» инвестицион компанияси директори Икром Ибрагимовга акаси

Илхом ИБРАГИМОВнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси Божинова иши кафедраси доценти Сирожиддин Турсунова онаси

ТУЎЛҚИНОЙ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нухлада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхонлар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Орипов.  
Набатчи муҳаррир — М. Холматов.  
Набатчи — Қ. Хидиров.  
Мусахҳух — Х. Тошқужаев.

Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6 7